

Mavzu:Маҳсулот сифат даражасини баҳолаш баҳолаш вазияти

# Режа:

1. *Маҳсулотнинг сифатини баҳолаш.*
2. *Маҳсулот сифатининг даражасини баҳолаш усуллари.*

# 1. Маҳсулотнинг сифатини баҳолаш.

- Сифат тизимларида маҳсулот сифатини баҳолашнинг услубий асосларига, айниқса, маҳсулотни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштиришда алоҳида талаблар қўйилади, бунда қуйидагилар деярли тўлиқ таъминланади;
- Маҳсулотнинг истеъмолдаги ҳамма хоссаларини комплекс таҳлил ва холисона баҳоланиши, хавфсизлилиги ва экологиклиги намоён бўлиш имконияти;
- Келтирилган баҳоланишга асосланиб, истеъмолчи томонидан маҳсулотнинг ишлатилишдаги ва экологиклигидан хавфдан ҳамда маҳсулот ва унинг сифатини (амалдаги бозор шароитида) нотўғри баҳоланиш хавфидан ижтимоий ҳимоя қилишга замин яратиш.

* Маҳсулот сифатининг даражасини баҳоланишининг асосий мақсади;
* Янги маҳсулот турларининг параметрларини асослаш;
* Маҳсулотни, стандартларини, Техник эффектни ишлаб чиқишда техникавий топшириқлар тайёрлаш ҳамда янги маҳсулот учун, унинг техникавий даражаси карталарини тузиш;
* Ишлаб чиқарилувчи маҳсулотнинг синов натижаларига қараб қарор қабул қилиш;
* Маҳсулотни таъмирлаш бўйича қарор қабул қилиш;
* Маҳсулотни бозорда етарлича қадрланишига ва арзийдиган баҳода сотилишига замин яратиш.

* Белгиланган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларининг номенклатурасини танлаш, бу кўрсаткичларининг қийматларини аниқлаш ва уларни асос бўлувчи қийматлар билан таққослашни ўз ичига олувчи ишларнинг йиғиндиси **маҳсулот сифатининг даражасини баҳолаш** деб аталади.

# 2. Маҳсулот сифатининг даражасини баҳолаш усуллари.

* Маҳсулот сифатининг даражаси баҳолашда турли усуллардан фойдаланилади: дифференциал, комплекс, аралашган ва статистик усул ва бошқалар.
* **Дифференциал усул** деб, маҳсулотнинг биргина кўрсаткичидан фойдаланишга асосланган маҳсулот сифатининг баҳолаш усулига айтилади. Дифференциал усул баҳоланувчи маҳсулот сифатининг кўрсаткичига асос бўлувчи кўрсаткич билан таққослашга асосланган. Масалан, бир корхонадан чиқарилаётган ускунанинг ишлаш муддати 8 йилни, иккинчи корхонада эса бу рақам 12 йилни ташкил этади, асос бўлувчи қиймат асос бўлувчи қийматга нистбатан паст, иккинчисида эса баланддир. Бу кўрсаткич унинг ишлаш муддатини яхшиланиши натижасида эришилган.

* Маҳсулот сифатининг комплекс кўрсаткичларининг қўлланилишига асосланган маҳсулот сифатини баҳолаш усули – комплекс усул деб аталади. Масалан, автобусларнинг сифатини баҳолашда умумлаштирилган сифат кўрсаткичи – бу уларнинг йиллик унумдорлиги тушунилади.
* **Аралашган усул** – бу бир вақтнинг ичида ҳам биргина кўрсаткичидан, ҳам комплекс кўрсаткичлардан фойдаланиб маҳсулотнинг сифати баҳоланади.
* **Статистик усул** билан маҳсулотнинг сифатини баҳолашда математик статистика усулларидан фойдаланилади.
* **Органолептик усулда** – маҳсулот сифати хид, кўриш, эшитиш, таъм орқали аниқланади..
* **Тажриба усулда** – маҳсулотнинг кимёвий таркиби, физикавий, микробиологик, технологик хусусиятларини аниқланади. Натижа рақамларда ифодаланади, лекин вақти узоқдир.

* ташкил топади ва уларнинг фикри бўйича сифатга баҳо берилади.
* Эксперт комиссияси 2 гуруҳдан иборат бўлиб, эксперт ва ишчи гуруҳи ҳисобланади. Эксперт гуруҳ маҳсулотларга баҳо беради, ишчи гуруҳи эса техник-ташкилий ишлар: сўров ишини ташкил эттиш, анкеталарни тарқатиш ва йиғиш, эксперт баҳоларни қайта ишлаш ва анализ қилиш ишларини бажаради. Маҳсулотларга баҳо беришда комиссия аъзоларини 2/3 овози қабул қилинди деб аталади.
* Эксперт баҳолашда 5; 10; 40 ёки 100 балли тизимлар қўлланилади. Баллар баҳолаш даврида ёки муҳокама даврида қўйилади.
*